

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М.Ҳайдаров Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва моҳияти.....	101
Т.Ахмедов Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни.....	106
Ғ.Раҳмонов Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув ҳўжалиги тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари.....	110
С.Ахмедов Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли манба сифатида.....	115
Р.Расулова Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида	121

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Сабирдинов, Д.Муратова Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оилавий қадриятлар масаласи	126
Э.Жабборов Ўзбек миллий адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви.....	131
Б. Абдураҳмонова “Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш.....	138

ТИЛШУНОСЛИК

Ғ.Хошимов, Н.Комилова Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар майдонининг қиёсий тадқиқи	144
Н. Умарова Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм структураси.....	149
Г.Розиқова “Девону луғотит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши	155
А.Базарбаева Инглиз тили дарсликларида машқлар тақдимотининг назарий асослари	160
Д.Рахматуллаева Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар.....	164
Б.Баҳриддинова Замонавий ўқув луғатларининг таркибий тузилмаси хусусида.....	167
Н.Суярова Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг шаклланиши	172
Б.Сулаймонов «Теорема» романининг лексикографик тадқиқи.....	176

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ф.Тошпўлатова Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш тамойиллари	180
Г.Саидова Бошланғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва воситалари	184

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грудков, В.А.Каримов Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа	
---	--

УДК: 93/99+65.012.432

ЎЗБЕКИСТОН ССРДАГИ ИЖТИМОЙ МУАММОЛАР: ИШЧИЛАР НОРОЗИЛИГИНИНГ САБАБЛАРИ ВА МОҲИЯТИ

СОЦИАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ В УЗБЕКСКОЙ ССР: ПРИЧИНЫ И СУТЬ ПРОТЕСТА РАБОЧИХ

SOCIAL PROBLEMS OF THE UZBEK SSR: CAUSES AND NATURE OF WORKERS PROTESTS

М.Ҳайдаров¹¹ М.Ҳайдаров

ЎзМУ, тарих фанлари доктори, доцент.

Аннотация

Мақолада Туркистон ўлкаси аҳолисининг турли қатламлари, шунингдек, маҳаллий аҳолининг Октябрь тўнтаришига хайрихоҳлик билдирмаганлигининг моҳияти очиб берилган. Ишчилар синфининг большевиклар сиёсатидан норозиликлари архив ҳужжатлари асосида ёритиб берилган.

Аннотация

В статье раскрываются причины отсутствия солидарности различных слоев населения Туркестанского края, а также местного населения с Октябрьским переворотом. На основе архивных документов освещены протесты рабочего класса против политики большевиков.

Annotation

The present article reveals the causes of the solidarity absence in the different layers of the population of Turkistan region and the attitude of the local population to the October revolution. The protests of the working class against the Bolsheviks policy were covered on the basis of archival documents.

Таянч сўз ва иборалар: легитимистик, чоризм, ишчилар синфи, ижтимоий қатлам, национализация, Советлар, тузум, яккапартиявийлик, бошқарув, саноатлаштириш, жамоалаштириш.

Ключевые слова и выражения: легитимный, царизм, рабочий класс, социальный слой, национализация, Советы, строй, однопартийность, управление, индустрализация, коллективизация.

Keywords and expressions: legitimate, tsarism, working class, social structure of population, nationalization, Soviets, system, one-party system, governance, industrialization, collectivization.

XX асрнинг энг йирик сиёсий воқеалари сирасига инсоният тарихида кенг қамровли, қарама-қаршиликларга тўла из қолдирган социалистик жамият барпо қилиш учун курашлар, инқилобий амалиёт ва унинг фожияли тарихий тажрибалари ҳам киради. Инқилобий ғояларни амалга ошириш учун бир неча авлоднинг умри сарфланди, бироқ ваъда қилинган тўқинлик борган сари узоклашиб борди, жамият таназзулга юз тутди. Илмий адабиётларда бу мамлакатларда ҳокимиятга эгаллик қилишнинг легитимистик асослари бузилганлиги, қолаверса классик марксча ғоялардан чекинганлиги, натижада советлар тузуми тоталитар характерга эга бўлганлиги борасида хулосалар берилди. Аммо халқнинг фидокорона меҳнати, юқоридаги ғояларга сидқидилдан ишонган инсонлар томонидан тараққиётнинг бир поғона юқорисига кўтарилганлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Марксизм назариясига кўра ривожланган, миллионлаб онгли ишчилар синфига ва кучли сиёсий партияларга эга бир неча мамлакатларда социализм қуриш мумкин, деб ўқтирилган эди.

Аммо ленинизм бир мамлакатда социализмни қуриш мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилди. Бу синфий кураш орқали бўлиб, қуролли тўқнашувларни, фуқаролар урушини келтириб чиқарди. Шундоқ ҳам оғир турмуш адоғи йўқ иқтисодий инқирозга дучор бўлди. Аммо шу ўринда фаровон, ёрқин келажак йўлида курашган пролетариатнинг коммунистик партияга қарши норозиликлари бугунги кунда ҳам ажабтовур ҳодиса ҳисобланади. Миллионлаб совет адабиётларида эса ишчиларнинг норозиликлари баён этилмасдан, доимо советлар ҳокимиятини олқишлаб келгани кўрсатиб ўтилади.

Туркистонда туб аҳолининг ва пролетариат (Туркистонга кўчириб келтирилган ишчилар синфи назарда тутилмоқда - М.Ҳ.) норозилигининг кўплаб фарқли жиҳатлари мавжуд. Туркистонда ишчилар синфи чоризм тарбиясини олган европалик проетариат ва жудаям оз сонли маҳаллий ишчилардан иборат бўлиб, улар ўртасида ҳар жиҳатдан тафовут сезилиб турган. Чоризм даврида ва илк совет йилларида бу, айниқса яққол кўзга ташланади. Йиллар ўтиб пролетариат интернационализи

ташвиқотлари таъсирида бу фарқни йўқотишга ҳаракат қилинганлигини ҳам қайд этиш лозим.

Туркистонда февраль революциясидан кейин ижтимоий-сиёсий юксалиш содир бўлди. Ўлкада фаолият кўрсатган оз сонли социал демократлар байроғи остида пролетариат диктатурасини ўрнатиш учун кураш олиб бордилар. Маҳаллий аҳоли учун “ишчилар синфининг дунёқараш” бўлган марксизм–ленинизм бегона ва тушунарсиз эди. Улар учун миллий озодлик ҳаракатлари асосий мақсад бўлиб келди. Қолаверса, европали аҳолининг аксарияти ҳам Марказий Россиядагидек жанговар инқилобий тайёргарликка эга бўлмай, улар учун ҳукмрон мавқеини сақлаш, мавжуд очарчиликка дучор бўлмаслик асосий масала эди. Марказий Россиядаги ташвиқотлар таъсирида шаклланган, оз бўлса-да социал адолат ўрнатиш тарафдорлари ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди.

Шу ўринда Туркистондаги ижтимоий қатламларнинг мавқеи, ўзаро муносабатларига ва октябрь тўнтаришининг ҳаракатлантирувчи кучлари таркибига эътибор қаратиш лозим. Чоризмнинг кўчириб келтириш сиёсати натижасида рус мужиклари, майда ва катта амалдорлар, ҳарбийлар қаторида рус ишчилари ҳам катта имтиёзга эга эдилар. Улар маҳаллий аҳолига қараганда бир неча марта ортиқ маош олар, яшаш шароити уларникига нисбатан яхши эди. «Ишчилар синфининг яхши ҳақ тўланадиган энг юқори қатламини, яъни Туркистондаги ишчилар аристократиясини рус ишчилари ташкил қиларди. Улар ишчилар синфининг 22,3 фоизни ташкил қилгани ҳолда юқори қатламни деярли эгаллаб олган эди. Маҳаллий ишчи келиб чиқиши боис бир хил вазифада ишловчи рус ишчисидан кам ҳақ олиши одатий ҳол эди.» [1,50] Айнан ана шу пролетариат вакиллари Туркистонда октябрь тўнтаришини амалга оширдилар.

1917 йил ноябрь ойининг бошида большевиклар фақатгина қурол кучига таянган ҳолда Тошкент шаҳрида ҳокимиятни қўлга киритишди. Туркистон республикаси расмий манбаларидан бирида кейинчалик қуйидагича эътироф этилган эди: «Туркистон бир неча ўн йиллар мобайнида чоризм мустамлакаси бўлиб келди. Бу ҳол барча ижтимоий кайфият ва муносабатларда ўзининг ўчмас муҳрини қолдирди. Чоризм томонидан олиб борилган мустамлакачилик кайфияти ва сиёсати амалдор ва хизматчи унсурлардан ташқари ҳатто рус темир йўлларига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Шунинг учун тўнтаришнинг бошидан оқ совет ҳокимиятини бу ерда фақат рус кишилари амалга оширди. Туб аҳолидан эса мустамлакачи маҳаллий ҳокимиятга алоқадор кишиларгина унда қатнашиши мумкин бўлиб, туб аҳолининг

қолган катта қисми учун бу ғоялар бегона ва тушунарсиз эди».[2,17-18]

Мустамлакачилик тузумининг барқарор бўлишида таянч вазифани ўтаган европали унсурлар томонидан ғалаба қилган октябрь тўнтариши маҳаллий аҳолининг манфаатларига мос келмаслиги равшан эди. Туркистондаги коммунистик ташкилотлар тарихи тадқиқотчиси И.Сольцнинг ушбу фикрлари ҳам бу ҳодисани тасдиқлайди: «Туркистонда февраль ва октябрь инқилоблари Питер ва Москвадаги революцияларнинг акс садоси сифатида пайдо бўлди. Ўлкада совет ҳокимияти чор ва Керенский ҳукумати мағлубиятидан сўнг ўз-ўзидан вужудга келди. Бу ҳокимият аввалги мустамлакачилик тузуми таянчи бўлган европалик аҳоли кўлида ўйинчоқ бўлиб қолди. Бу кўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқат эди... 1918 йил давомида Туркистонда партия ташкилотлари ташкил топди ва улар ўзини совет давлатининг асосчилари қилиб кўрсата бошлашди. Бу ташкилотлар сафида маҳаллий миллат вакиллари қирғиз – ўзбек, туркманлар бўлмаган. Бундай коммунистик партия Туркистонни бошқаришга эмас, инқилобнинг тартибсиз тўлқинида сузишга мослашган эди... Бу партиядо бошқарувнинг мустамлакачилик руҳи ҳокимлик қиларди». [3,45-46] РКП(б) МК Туркбюро раисининг ўринбосари Георгий Сафаров совет ҳокимиятининг илк йиллари мустамлакачилик сиёсати аввалгидан ҳам аянчлироқ давом этганлигини қуйиниб баён қилган эди. [4,36]

Маҳаллий аҳолининг ҳақли норозилигини келтириб чиқарган большевиклар сиёсатидан европали ишчиларнинг ҳам кўнгли тўлмади. Уларнинг норозиликлари сиёсий тус ола бошлади. Буни сталинча қатағонлик даврида “синфий душманларнинг антиреволюцион чиқишлари” деб баҳоланиб, шафқатсиз бостирилди. Архив ҳужжатлари [5,50] меҳнаткашлар, ишчилар кўпгина ҳолларда советлар ёки бошқа ижтимоий ташкилотларнинг коммунистик партиянинг хизматчисига айланиб қолганлигидан, яккапартиявийликдан, баландпарвоз шиорларнинг ижроси бўлмаётганлигидан норози бўлганликларини кўрсатади. (Ўзбекистон Республикаси архивларидаги “К” литерли, “А” литерли мутлақо махфий ёки махфийлик грифи остидаги архив маълумотлари назарда тутилмоқда. Улар билан асосан коммунистик партиянинг энг юқори доирасидаги раҳбарлар танишиб чиқиши мумкин бўлган. Совет даврида ушбу ҳужжатлар деярли илмий муомалага киритилмаган – **муаллиф**).

Ўзбекистон ССРда иқтисодий иттифоқнинг бошқариш тизимининг Марказ манфаатлари асосида ташкил қилиниши натижасида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар кескинлашди. Бунга табиий офатлар, узоқ

йиллик урушлар (Биринчи жаҳон уруши, Фуқаролар уруши, совет ҳокимиятига қарши куролли ҳаракат), халқ хўжалигини бошқаришдаги уқувсизлик, турли кўринишдаги национализация сиёсати ҳамда колхозлаштириш ҳам етарлича таъсир кўрсатганлигини таъкидлаш жоиз. Ишчилар ва ишсиз пролетариат вакиллари ўртасида иш ташлашлар ва норозилик оммавий сиёсий тус олди. Ишсизликнинг кучайиши оқибатида турмуш шароити янада оғирлашди, қимматчилик ва қаҳатчилик халқнинг турмуш шароитини оғирлаштириб юборди. Пролетариатга ваъда қилинган 8 соатлик иш вақти, муносиб ҳақ тўланиши, дам олиш, яхши турмуш шароити, хурфикрлилик, эркин сайловлар тезгина амалга оша қолмади. Бундан ташқари, европали пролетариатнинг назарида кечаги “инқилоб жангчилари”, “жанговар ўртоқлар” октябрь тўнтаришидан сўнг давлат бошқарувига мансуб бюрократларга айландилар.

1925 йил ноябрь-декабрь ойларида Ўрта Осиё темир йўлларида ишчилар норозилиги оммавий равишда кучайиб боради. Норозилик сабабларига қашшоқ моддий ҳолат, иш ҳақининг ўта пастлиги, унинг ҳам ўз вақтида берилмаслиги, махсус ишчи кийим тарқатилмаслиги кирган. Тошкент областидаги Биринчи май (1650 та ишчи) ва Қизил Шарқ (300 та ишчи), Тошкент шаҳридаги типография ишчилари ва тери ошловчилар (1000 кишидан ортиқ), Мирзачўл уездидаги тажриба участкаси ишчилари; Фарғона областидаги Санто нефть кони ишчилари, Чимён пахта заводи, Қизилқия кони ишчилари, Жалолобод тегирмон ишчилари, Самарқанд областидаги Сулукта кўмир кони ишчилари орасида кучли норозиликлар бўлиб турган. Чимён нефть ишлаб чиқариш корхонаси ишчиларининг норозилиги иш ташлашга айланган. Унда 40 миллат вакиллари қатнашганлар. [5,259] Шунингдек, бу даврда Фарғонадаги 41-пахта заводи, Қашқадарё округ ижроия кўмитаси ходимлари ва Бехбудий станциясидаги қурилиш бригадаси ишчилари забастовка (иш ташлаш) уюштирганлар. [6,32]

ОГПУнинг Ўрта Осиё темир йўллар бўлими раҳбари В.В.Демидов томонидан тайёрланган 1926 йил апрель ойига оид ўн кунлик махфий маълумотларида ҳақиқий аҳвол ачинарли эканлиги таъкидланади. Бу ҳақда ҳисоботда шундай дейилган: “Кўкёнғоқ станциясидаги қурилиш ишчилари ўзларига берилган квартиралар қашшоқ жиҳозланганидан норозилар. Квартираларнинг поли ва ойнаси умуман йўқ. Бўйдоқлар учун баракларда сўрилар етишмайди. Ишчилар квартираларнинг зах ерларида ухлашга мажбур. Иссиқ сув ва ҳаммом ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бундай шароитда ишчилар тез-тез касалга

чалинадилар”. Квартира муаммоси масаласида Қозонжиқ, Қизилравот, Когон, Полторацк, Самсонов, Термиз станцияларидаги ишчилар ҳам ўз норозиликларини билдиришган. [6,1-30]

Бу даврда ишчилар кайфиятини Тошкент шаҳрининг “Қизил Шарқ” ва “Биринчи май” темирйўл устахоналарида 1926 йил 10-17 октябрда ўтган партиясиз ишчиларнинг конференцияси ҳам яққол кўрсатади. Конференцияда сўзга чиққан Бондаренко кескин равишда фикрлаган: “Бизга қизил жандармериясининг ҳам, ташвиқотчиларнинг ҳам кераги йўқ”. [6,50]

Ўзбекистон ГПУ маълумотларига қараганда, конференцияда ишчиларнинг норозилик сабаблари қуйидагича кўрсатилган: иш ҳақининг озлиги, уни ҳам ўз вақтида бермаслик. Маъмуриятнинг ишчиларга нисбатан беписандлиги, кўпол муносабати, шартномани бажармаслиги, оғир маиший шароит, совет бошқарув аппаратининг бюрократияга кўмилиб кетиши, мутахассисларга зўравонлик, касаба уюшмаси раҳбарларининг халқдан узилиб қолиши, ишчилар маошидан хўжалик раҳбарларини босиб қолиши, ишчилар ҳисобидан иқтисодий тежамкорлик ва б.

Марказий районда бўлган бошқа конференцияда ҳам антисовет чиқишлар бўлган. Масалан, конференцияда қуйидаги фикрлар баралла айтилган: “Демократия фақат қоғозларда, холос, сайловлар рўйхат асосида бўлади”. “Авваллари ишчилар манфаатининг сотилиши тўғрисида большевикларнинг ўзлари жар солардилар. Бугун уларнинг ўзи ишчиларни овоз бериш ва ўз манфаатини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилишмоқда. Ишчиларни ҳар томондан сиқиб, уни эзмоқдалар”.

Ишчиларнинг оғир турмуш шароити Ўзбекистоннинг бошқа жойларида ҳам мавжудлиги ушбу ҳужжатда қуйидагича қайд этилади:

1. Қарши станциясида ишчилар ертўла ва баракларда яшайди.

2. Сулукта конида улар юкхона ва чиркин ётоқхоналарда туришади.

3. Янги Дарғом канали ишчилари умуман егулик билан таъминланмаган. Улар озиқ-овқатни атроф қишлоқлардан қиммат нархга сотиб олишади. Кооперативларда спиртдан бошқа ҳеч нарса топилмайди. [6,32]

Ўзбекистон ССРдаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол ҳақида ГПУ раисининг ўринбосари Астров томонидан юборилган информацион маълумотнома (1927 йил июл) да шундай фикрлар бор: “Бошланаётган қурилиш ишлари ишчилар кучининг ортиқча қисмини ўзига сингдирмоқда. Шу билан бирга марказий губерниялардан ишчилар синфининг оқиб келиши давом этмоқда. Ишсизларнинг кайфияти

таранг ҳолатида. Ишсиз Голоктиевнинг фикрича: “Билмадим, ҳозир коммунистлар меҳнат фронтида ғолиб чиқадиларми ёки йўқми? Ҳозир 1919 йил эмас. У пайтда қизил аскарлар большевикларнинг ваъдаларига ишонган эдилар. Энди коммунистларнинг ваъдаларига ишонмайдилар. Деҳқонлар ҳам совет ҳокимиятига душманлик муносабатини соқлаб қоладилар. Чунки катта ваъдалар эвазига экишга яроқсиз 14 саржиндан ер ажратилди. Ҳосилдор ерлар эса совхозларга бўлиб берилди”. [6,58]

1930 йил 16 июнда ОГПУ Ваколатли вакили Лангер томонидан тайёрланган “А” серияли “Ишчиларнинг сиёсий кайфиятлари ҳақидаги маъруза битиклари”да Андижон округидаги ҳолат қуйидагича очиб берилади: “Маоши камлар қуйидагича норозилик билдиришмоқда: “Биз 1927 йили ойига 19-20 рубль олиб, ҳозиргидан яхши яшар эдик. Бир кунда атиги 80 тийинга бутун оила тўқ бўларди. Энди эса нонга ҳам пул етмайди”. “Партия беш йиллик режани тўрт йилда бажариш шиори билан чиқмоқда. Бир бурда қора нон ва бир бўлак гўшт билан куч йиғиб бўлармиди? Агар шиорни ҳаётга татбиқ қилмоқчи бўлсак, ишчиларни тўйғазиш керак. Иваново-Вознесенск ишчиларига ўхшаб мажлисларда қора нонни оқ нонга алмаштириш талаби билан чиқиш керак”. Бизда баъзи юқори малакали, ойига 150-200 рубль маош олувчилар ўзларига ойликни етишмаслиги ва катта оилали, кам маош олувчилар қандай яшашига ҳайрон қолишади. Бундай кайфият баъзи партия аъзоларида ҳам учрайди. Ёғ заводи партия ячейкаси котибининг “Нима учун сиёсий ўқишга бормаяпсан” деган саволига партия аъзоси бўлган ишчи Анисимов шундай жавоб қайтарган: “Менда ҳозир ўқишгача анча бор. Ойлик етмаяпти. Овқат қидириш керак. Атроф қимматчилик. Шунинг учун ҳозир каллага ўқиш кирмаяпти”. Бошқа партия аъзоси эса “Ҳозиргидек яшагандан кўра ўлган маъқул”, дейди”. [7,182-186]

Бу пайтда оддий ишчилар ўртасидаги норозиликлар Фарғона водийсида, хусусан, Андижон шаҳрида кучайиб кетган эди. Масалан, 1930 йил 15 июнда Андижон шаҳар партия комитетига йўлланган “мутлақо махфий” маълумотномада Андижон округи ижроия қўмитасининг ташкилий бўлим бошлиғи муовини Абдуллаев бу ҳақда шундай ёзган: “Олинган маълумотларга қараганда, Андижон шаҳридаги 6-ёғ заводи ишчиларини гўшт, керосин ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашдаги узилишлар ишчиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Ишчи Фёдор Мустряков ячейка котибига бақирган: “Сизлар ўз мажлисларинг билан тўйдириб юбординглар. Фақатгина мажлислар билан бизни боқасиз. Керосин йўқлиги эса ҳеч кимни безовта қилмайди. Уйни иситишга ҳеч вақо йўқ”.

Маҳаллий ишчи Мирзаали Мирзабоев эса керосин сотишда нарҳдаги тафовутдан ранжийди. Дергоченконинг фикрича, “Бизда ҳукмронлик большевиклар партиясига тегишли, лекин партиянинг ўрнига ҳокимиятни касаба уюшмалари бошқариши лозим. Чунки большевиклар партиясига ичида рост гапириш мумкин эмас”. Ишчи Третьяков эса янада ўткир фикрларни айтган: “Раҳбарлик лавозимига партиясизларни тайинлаш керак, буни касаба уюшмалари ҳал қилиши лозим, ҳозиргидек партия эмас”. Бундан ташқари штатсиз 50 кишининг ишдан бўшатилиши ҳақидаги хабар уларнинг норозилигига сабаб бўлди. Ишчилар қуйидагича очиқ норозилик билдиришмоқда: “Бизни алдашмоқда, бу ерда фирибгарлар ишлайди”. Бундан ташқари ишчиларга ҳақ тўлашда ишчилар маошидан уриб қолиш, турли облигациялар бериш ва бошқа найранглар содир бўлмоқда”. [7,203]

30-йилларнинг ўрталарига келиб бутун мамлакатда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам аҳвол оғирлашиб кетди. Шаҳар партия фаолларининг йиғилишида (10.01.1930й) РКП(б) МК Ўрта Осиё Бюросининг масъул секретари, Ўзбекистон ССР КП(б) биринчи секретари И.Зеленский ишчиларнинг сиёсий ахлоқий сифатларига шундай тўхталади: «Агар сиз поезд, навбатлар ва ишчилар поселкасида бемалол ва очиқ суҳбатни эшитасиз. Унда бир олам қаҳр-ғазаб, норозилик ҳамда бизнинг қийинчиликларимизни барча моҳиятини тўғри тушунмасликларига гувоҳ бўласиз». [8,90] Дарҳақиқат ишчилар синфи коммунистларнинг ваъдаларига ишонмай қўйди. Бу ҳолатни юқори совет ва партия ташкилотларига ишчилар томонидан ёзилган турли шикоятлар ва арзномаларда яққол кўриш мумкин. Архив ҳужжатларида ана шундай шикоятномалар кўплаб сақланиб қолган. Булар ўша давр руҳини очиб бера олади. Ишчи Андреев шикоятидан: “Бу қандай замон бўлдики, оч ўтиришга тўғри келмоқда. Бериладиган нон очимдан ўлиб қолмаслик учунгина етади. Инқилобнинг биринчи йилларида яхши таъминлашарди. Энди ҳокимиятни найзалар билан мустаҳкамлаб олишган, ҳеч нарса қилиш мумкин эмас. Ҳатто бирор нарса десанг, дарҳол оғзингни ёпишади”. Асбоблар цехи бригадири Новиков арзи-ҳолидан: “Биз Совет ҳокимияти учун ишлаймиз. Бунинг эвазига советлар бизга нима бермоқда. Ахир улар бизни мутлақо таъминламаяпти-ку”. Цех мастери Белоусовнинг арзномасидан: “Тез орада қора байроқ кўтариб, амалдорлар олдига борамиз. Нон берасан ёки сизларни ер юзидан супуриб ташлаймиз, деб айтаемиз. Иккинчи инқилобни амалга ошириш керак. Агар аҳвол келгуси йилгача шундай давом этса, иккинчи инқилоб сўзсиз бўлади”. [9,20-50]

ТАРИХ

Шундай қилиб, бундай антисовет ва антипартиявий чиқишларда, аслини олганда, ишчиларнинг совет режимидан норозилик кайфиятларида нафақат янги ишчиларнинг, балки узоқ йиллик иш тажрибаси ва касаба уюшмаси аъзоси фаолиятига эга бўлган коммунистларнинг ҳам анчагина ўрни бўлган. “Ташсельмаш” заводида 1933 йил сентябрь ойида 8 марта, октябрда 20 марта (биттаси кўзғолончилик руҳида), ноябр ойида 30 марта, декабрда 11 марта иш ташлаш, намойишлар ўтказишга чақирувчи норозилик чиқишлари бўлган. Шу билан бирга норозилик ҳолатларидан кўзғолонга айланиш ҳолатлари ҳам бўлган. Бу чиқишларда оддий коммунистлар ҳам фаол қатнашган. [9,45-60]

Хулоса қилиб айтганда, турли қатламдаги ишчилар синфининг норозиликлари стихияли бўлмасдан, кундалик воқеликка айланиб борди. Яккапартиявийликка асосланган большевиклар сиёсати уларни қаноатлантормасди. Норозилик чиқишлари мавжуд очарчилик, қаҳатчилик ҳукм сурган шароитда бўлишига қарамай, фақатгина иқтисодий муаммоларга тегишли бўлмасдан,

сиёсий талаблар ҳам илгари сурилди. Чунки ишчилар синфининг кенг қатлами большевикларнинг инқилобий курашларига катта умид билан қараганди.

Марказ иқтисодий сиёсатининг асоратлари натижасида Ўзбекистондаги ижтимоий муаммолар тобора кескинлашиб борди. Саноатни индустриллаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёнида жиддий хатоларга йўл қўйилди. Хусусан, ўзига тўқ деҳқонларнинг қулоқ сифатида тугатилиши машъум роль ўйнади. Ўз мол-мулкдан айрилган деҳқонларнинг ҳам йирик шаҳарлардаги ишчилар каби совет ҳокимиятидан норозиликлари кучайиб, кўпгина ҳолларда кўзғолонга айланди. Ишчиларнинг норозилик чиқишлари ва турли ғалаёнлар совет режими томонидан аёвсиз бостирилди. Бироқ бундай ёндашув муайян давр мобайнида мавжуд бўлган ишчилар ўртасидаги норозиликни, ишсизликни, очарчиликни, қимматчилик ва қаҳатчиликни йўқота олмади. Аксинча, иқтисодиётдаги хатолар ижтимоий соҳага ҳалокатли таъсир кўрсатди.

Адабиётлар:

1. Лавренъев Вл. Капитализм в Туркестане (бур. колонизация Средней Азии) – Л.: 1930.
2. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 39-иш.
3. Сольц И. К истории К.П.Т. Три года советский власти. –Т.: Туркгосиздат, 1920.
4. Хайдаров М. Turkiston ASSRda sovet boshqaruv tizimi: bosqichlari va mohiyati (1917-1924-yy). (I-qism) O'quv qo'llanma.-T.: "Yosh kuch".2019.
5. Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 623- иш.
6. Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 2-рўйхат, 160- иш.
7. ЎзРПДанинг Андижон вилояти ҳокимлиги филиали, 1-фонд, 1-рўйхат, 51-иш.
8. Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 272-иш.
9. Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 305-иш.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)